

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУДРАТОВ ЖАСУР АСИЛБЕКОВИЧ

**ҒАРБИЙ ҲИСОР-ОЛОЙ ВА УНГА ЁНДОШ ТЕКИСЛИКЛАР
ҚОРИНОЁҚЛИ МОЛЛЮСКАЛАРИ (MOLLUSCA: GASTROPODA)**

03.00.06-Зоология

**Биология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Қудратов Жасур Асилбекович

Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли
моллюскалари (Mollusca: Gastropoda)..... 3

Қудратов Жасур Асилбекович

Брюхоногие моллюски (Mollusca: Gastropoda) Западного Гисаро-Алая и
прилегающих равнин..... 29

Qudratov Jasur Asilbekovich

Gastropods (Mollusca: Gastropoda) of Western Gisar-Alai and adjacent
plains..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

ҚУДРАТОВ ЖАСУР АСИЛБЕКОВИЧ

**ҒАРБИЙ ҲИСОР-ОЛОЙ ВА УНГА ЁНДОШ ТЕКИСЛИКЛАР
ҚОРИНОЎҚЛИ МОЛЛЮСКАЛАРИ (MOLLUSCA: GASTROPODA)**

03.00.06-Зоология

**Биология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Биология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3.DSc/B231 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетидега бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.izoology.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультант:

Пазилов Абдуваёт
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кучбоев Абдурахим Эргашевич
биология фанлари доктори, профессор

Боймуродов Хусниддин Тошболтаевич
биология фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Икром Искандарович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети


Диссертация химояси Зоология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.B.52.01 рақамли илмий кенгаш кенгашнинг 2025 йил «04» апрел куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси 2326-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+998) 71-289-04-65; E-mail: zoology@academy.uz).


Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№1723-AR рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси 2326-уй. Тел.: (+998) 71-289-04-65.


Диссертация автореферати 2025 йил «14» март куни тарқатилди.

(2025 йил «14» мартдаги №2 рақамли реестр баённомаси).




Б.Р. Холматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор


Г.С. Мирзаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., профессор


А.А. Кучбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида антропоген омилларнинг кенг қамровли таъсири натижасида биологик хилма-хилликнинг камайиши ва табиий ресурслар, жумладан, фаунистик хилма-хилликнинг ўзгариш тенденцияси кузатилмоқда. Айниқса, тоғлар ва унга туташ ҳудудларнинг аҳоли томонидан яйлов сифатида кенг фойдаланилиши мавжуд ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир этмоқда. Шунга кўра, табиий экосистемаларнинг ўзгаришга учраётган ҳудудларидаги қориноёқли моллюскаларнинг таксономик таркиби ва экологик тавсифини аниқлаш ҳамда уларни муҳофазалаш чораларини такомиллаштириш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Жаҳонда қориноёқли моллюскалар (Mollusca: Gastropoda) фаунистик хилма-хиллигини аниқлаш, тарқалиши ва биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда глобал иқлим ўзгаришлари ва антропоген омилларнинг малакофаунага таъсирини баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан қориноёқли моллюскаларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш, фаунистик таркибини аниқлаш, ноёб ва камёб турларни муҳофаза қилишга тегишли чора-тадбирларни такомиллаштириш ҳамда айрим турларни молекуляр-генетик таҳлил қилиш орқали улардаги фенотипик ўзгарувчанликни асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилган режали чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиздаги табиий ҳудудларнинг биохилма-хиллигини, ҳайвон турлари барқарорлигини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш борасида муайян натижаларга эришилди. Янги “Ўзбекистон-2030” стратегиясида¹ «...биологик хилма-хиллик ишончли сақланишини таъминлаш юзасидан муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, биологик хилма-хилликка нисбатан аҳолининг экологик маданияти ва хабардорлиги даражасини ошириш» бўйича мақсад ва вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, тоғлар ва унга туташ ҳудудлардаги қориноёқли моллюскалар таксономияси ва биоэкологик хусусиятларини ўрганиб, уларнинг барқарорлигини сақлашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги ва 2019 йил 11 июндаги 484-сон “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «ЎЗБЕКИСТОН - 2030» стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мос келиши. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи². Моллюскалар, хусусан, қориноёқли моллюскаларнинг систематикаси, фаунистик таҳлили, зоогеографик ва экологик хусусиятлари, тарқалиши, популяцияларидаги ўзгаришлар, фенотипик ўзгарувчанлиги, биологик тизим барқарорлигини сақлашдаги аҳамияти, ноёб ва камайиб бораётган турларини аниқлаш ва муҳофаза қилиш чора тадбирларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Faculty of Biological Sciences, University of Leeds (Буюк Британия), Biodiversity Research Lab (Германия), Department of Invertebrate Zoology, Smitlisonian Institution (АҚШ), Department of Environmental and Biological Sciences, University of Eastern Finland (Финляндия), Nakdonggang National Institute of Biological Resources (Жанубий Корея), Department of Hydrobiology, Agricultural Research, Education and Extension Organization (Эрон), Department of Natural and Life Sciences, Faculty of Sciences, University of Skikda (Тунис), Fisheries and Marine Faculty, Universitas Airlangga (Индонезия), Зоология институти (Россия), A.N. Severtsov Institute of Ecology and Evolution of the Russian Academy of Sciences (Россия), Зоология институти (Ўзбекистон) ва Самарқанд давлат университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Қориноёқли моллюскаларининг таксономик ва экологик хусусиятларини аниқлаш, ноёб ва кам сонли турларни муҳофазалаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: худудлар бўйича малакофауна тур таркиби ва хилма-хиллиги иқлим кўрсаткичлари ҳамда географик жойлашувига кўра, фарқланиши асослаб берилган (University of Skikda, Тунис; University of Eastern Finland, Финляндия; Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон); ноёб ва камёб қуруқлик ҳамда сув моллюскаларини муҳофаза қилиш механизмлари очилган, уларнинг популяцияларини бошқариш механизмлари аниқланган (Nakdonggang National Institute of Biological Resources, Жанубий Корея; Universitas Airlangga, Индонезия); моллюскаларнинг яшаш муҳитига таъсири натижасида табиатда рўй берадиган табиий жараёнлар ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилган (Agricultural Research, Education and Extension Organization, Эрон; Smitlisonian Institution, АҚШ; Biodiversity Research

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.sciencedirect.com/browse/journals>, <https://www.researchgate.net/publication>, <https://www.scopus.com/sources.uri?zone=TopNavBar&origin=searchbasic>, <https://www.elsevier.com/search-results?labels=journals>, <https://www.search.ebscohost.com>, <https://www.sci-hub.cc> ва бошқа илмий манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Lab, Германия); моллюскаларнинг паразит организмлар ривожланишидаги аҳамияти ўрганилиб, уларга қарши кураш усуллари ишлаб чиқилган (А.Н. Severtsov Institute of Ecology and Evolution of Russian Academy of Sciences, Россия; Зоология институти, Ўзбекистон).

Дунёда қориноёқли моллюскаларнинг хилма-хиллиги ва экологик хусусиятларини аниқлаш бўйича тизимли тадқиқотлар қуйидаги устувор йўналишларда олиб борилмоқда: географик жойлашуви ва иқлим кўрсаткичлари нисбатан яқин ҳудудлар малакофаунасини комплекс тадқиқ этиш; ўрганилган ҳудудлар малакофаунасини экологик ва зоогеографик жиҳатдан баҳолаш; фенотипик жиҳатдан ўзгарувчанлиги юқори бўлган турларни молекуляр-генетик усуллар ёрдамида таҳлил қилиш асосида ўзгарувчанликнинг генетик асосларини тавсифлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қориноёқли моллюскаларнинг таксономик таркиби, тарқалиши, экологияси ва зоогеографияси бўйича тегишли илмий маълумотлар D.K. Jacobs (2000), Y. Passamaneck (2004), S.M. Porter (2007), J. Vinther (2012), O. Fatemeh (2019), Mi-Jung (2020) ва W. Isoni (2023) каби хорижий олимлар томонидан чоп этилган илмий нашрларда келтирилган.

МДХ давлатлари ҳудуди қориноёқли моллюскаларини кенг тадқиқ этиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари В.И. Жадин (1952), И.М.Лихарев, Е.С. Роммельмеиер (1952), Я.И. Старобогатов (1972), А.А. Шилейко (1978, 1984), Н.Д. Круглов (1985), К.К. Увалиева (1990), И.В. Муратов (1992), А.Г. Кузнецов (1999), И.М. Хохуткин (2004) лар томонидан эълон қилинган.

Ўзбекистонда моллюскаларни режали тарзда ўрганиш XX асрнинг 90-йилларидан бошланган. Мазкур йўналишда, жумладан, сув ва қуруқлик моллюскаларининг таксономик таркиби, зоогеографияси ва тарихий шаклланиши, уларда юз берадиган ўзгарувчанлик жараёнлари ва хўжалик аҳамияти бўйича тадқиқотлар натижалари З.И. Иззатуллаев (1970, 1987, 2018), А. Пазилов (1992, 2005, 2016), Д.Р. Даминова (2002), А.Пазилов, Д.А. Азимов (2003), А.Т. Каримкулов (2012), Ф. Ғойибназарова (2016), Ж.А. Кудратов (2018), Ш. Абдулазизова (2019), З.М. Махмуджонов (2021), Ф.У. Умаров (2022) ва И.Р. Авазметова (2022)лар томонидан чоп қилинган илмий манбаларда келтирилган.

Бироқ, илмий адабиётлар ва манбаларда Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликларда тарқалган қориноёқли моллюскаларини микроҳудудлар кесимида қиёсий таҳлил қилиш, ушбу ҳудуд малакофаунасидаги фенотипик жиҳатдан ўта ўзгарувчан турлардаги ўзгарувчанлик сабаблари тўғрисида маълумотлар амалда кам учрайди. Ушбу ҳолат бу борада чуқур фундаменталь тадқиқотлар олиб борилмаганлигини кўрсатади. Шу сабабли, тадқиқот ҳудудларида қориноёқли моллюскаларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш, ноёб ва кам сонли турларини сақлаб қолиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш катта илмий-амалий ва иқтисодий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон ва унга туташ бўлган ҳудудлардаги қуруқлик ҳайвонлари

ва уларнинг биологияси” (2019-2024 йй.) илмий тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликларда тарқалган қориноёқли моллюскаларининг таксономик ва экологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда ноёб ва кам сонли турларни муҳофазаси бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликларда тарқалган қориноёқли моллюскаларнинг таксономик таркибини аниқлаш;

Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскаларини Ҳисор, Зарафшон ва Нурота тоғлари ҳамда уларга туташ текисликлар кесимида қиёсий баҳолаш;

Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскаларининг экологик хусусиятларини ўрганиш;

қориноёқли моллюскаларни зоогеографик таҳлил қилиш;

ноёб ва кам сонли турларни аниқлаш ва муҳофазалаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

фенотипик ўзгарувчанлиги юқори бўлган қориноёқли моллюскаларни молекуляр-генетик таҳлил қилиш ва уларнинг филогенетик ҳолатини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликларда тарқалган сув ҳамда қуруқлик қориноёқли моллюскалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликларда тарқалган сув ҳамда қуруқлик қориноёқли моллюскаларнинг тур таркиби, экологик ва зоогеографик хусусиятлари ҳамда ўзгарувчанлиги ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация иши тадқиқотларини амалга оширишда зоологик, малакологик, морфометрик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскаларининг (*Mollusca: Gastropoda*) замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, 4 та туркум, 24 оила, 46 авлодга мансуб 128 тур аниқланган;

илк бор, Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликларнинг қориноёқли моллюскалар фаунаси учта микроҳудудларни (Ҳисор, Зарафшон ва Нурота тоғлари ва унга ёндош текисликлар) қиёсий баҳолаш орқали асосланган;

Ҳисор тоғларидан фан учун янги *Pseudonapaeus kuchbayevi* Pazilov, Qudratov et Umarov, 2020 тури аниқланган, шунингдек, Ҳисор тоғлари ва унга ёндош текисликлардан ҳудуд учун янги 38 та тур, Нурота тоғлари ва унга ёндош текисликлардан ҳудуд учун янги 14 та тур аниқланган;

Зарафшон тоғлари ва унга ёндош текисликлар қориноёқлилар малакофаунаси комплекс ҳолда ўрганилган, микроҳудуддаги қориноёқли моллюскаларнинг 19 оила, 38 авлодга мансуб 80 турдан иборат систематик

рўйхати шакллантирилган, *Archaica haziratishaxika* Pazilov, Kudratov & Makhmudzhonov, 2019 нинг фан учун янгилиги исботланган;

малакофаунанинг биологик хилма-хиллик индекслари ва ўхшашлик коэффициентлари таҳлили асосида, Ҳисор тизмаси малакофаунаси бошқа тизмалардан кўпроқ алоҳидалашганлиги, Зарафшон ва Нурота тизмалари малакофауналари эса бир-бирига яқинроқ эканлиги асосланган;

Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскалари яшаш жойи ва намликка бўлган муносабатига кўра, 9 та ва трофик хусусиятларига кўра, 4 та экологик гуруҳларга ажратилган;

ҳудуднинг ноёб ва кам сонли турлари аниқланган, Республика “Қизил Китоби”даги 3 турларнинг мақомини ўзгартириш ҳамда 8 турларни мазкур китобга киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

фенотипик ўзгарувчанлиги юқори бўлган қориноёқли моллюскалар (*Hygromiidae*, *Ariophantidae*, *Physidae*, *Planorbidae*) рДНКси 18S соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқланган ва генетик материалдаги фарқлар асосида ўзгарувчанлик сабаблари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскаларининг йиғилган намуналари асосида 128 тур ва 6000 нусхадан иборат коллекция намуналари яратилган;

Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлардаги қориноёқли моллюскаларнинг ноёб ва кам сонли турларини Республика “Қизил Китоби” га киритиш бўйича тавсиялар ҳамда муҳофаза қилиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Қориноёқли моллюскалар 2 та турининг рДНКси 18S соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлигини аниқлаш ва Генбанк базасига илк мартаба жойлаштириш орқали ушбу турлар идентификацияси ҳамда филогенетик тадқиқотлар учун манба яратилган.

Тадқиқотнинг натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тажрибаларда олинган натижаларнинг замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида олинганлиги, диссертация натижаларининг хорижий юқори импакт-факторли, Scopus маълумотлар базасидаги нуфузли илмий журналларда чоп этилганлиги ва амалиётга жорий этилганлигининг ваколатли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскаларининг систематик рўйхати тузилганлиги, таксономик, экологик ва зоогеографик структураси аниқланганлиги, ҳудудлар малакофаунаси таркибини бойитиш бўйича маълумотлар олинганлиги, ноёб ва камёб турларнинг аниқланганлиги ҳамда ўта ўзгарувчан турларнинг молекуляр-генетик усуллар ёрдамида тадқиқ этилганлиги, умуртқасизлар зоология ва малакология соҳасининг назарий қисмини тўлдирганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биринчи марта қайд қилинган турларнинг ҳудудлар бўйича фауна рўйхатининг бойитилганлиги, 8 та турни

Республика “Қизил Китоби” га киритиш заруриятининг очиб берилганлиги, қориноёқли моллюскаларнинг ноёб ва кам сонли турларини аниқлаш ва муҳофазалаш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг натижаларининг жорий қилиниши. Фарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскалари (Mollusca: Gastropoda) бўйича олинган илмий натижалар асосида:

молекуляр генетик тадқиқотлар натижасида қориноёқли моллюскаларнинг (Mollusca: Gastropoda) ўта ўзгарувчан турларини рибосомал ДНК сини 18S соҳасига тегишли нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича маълумотлар Биотехнологик ахборотлар миллий маркази (NCBI) базасига жойлаштирилган (Биотехнологик ахборотлар миллий маркази (NCBI) нинг 2024 йил 15 майдаги маълумотномаси). Натижада, *Physella acuta* тури учун - PP437076.1, *Physella acuta* - PP437078.1, *Macrochlamys turanica* - PP437108.1, *Macrochlamys turanica* - PP437130.1, *Planorbis tangitarenis* - PP464010.1, *Leucozonella rufispira* - PP725473.1, *Leucozonella rufispira* - PP725472.1, *Leucozonella rufispira* - PP724401.1, *Archaica chatkalica* - PP725471.1 идентификация рақамлари олинган ва улар халқаро миқёсда турларни аниқлаш ва филогениясини ўрганиш имконини берган;

Фарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлардан йиғилган Gastropoda синфига тегишли бўлган 12 та оила, 14 авлод, 20 турга мансуб бўлган 160 нусха моллюска намуналари республикада етакчи бўлган Зоология институти “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2024-йил 6-сентябрдаги 4/1255-1973-сон маълумотномаси). Натижада, топширилган коллекция намуналари Фарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар бўйича моллюскалар фондидини бойитиш, уларнинг популяциялари замонавий ҳолатини баҳолаш ва интерфаол атласлар тайёрлаш имконини берган;

Фарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликларда тарқалган қориноёқли моллюскаларининг таксономик ва экологик хусусиятлари, моллюскалардаги фенотипик ўзгарувчанликнинг молекуляр-генетик асослари ҳамда ноёб ва кам сонли турларни муҳофазасига оид тавсиялар “Зоология (Безпозвоночные животные)” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Гувоҳнома, № 404). Натижада, дарсликка моллюскалар бўйича қўшимча материалларнинг киритилиши талабаларнинг моллюскалар бўйича билимларини кенгайтириш, малака талаблари мазмунига сингдирилган талаблар асосида ўқитиш бўлажак биолог мутахассисларда соҳага оид кўникмаларни чуқурроқ шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий

илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республикада, 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, услублари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қориноёқли (Gastropoda) моллюскаларни умумий тавсифи, уларни тадқиқ этишнинг фундаменталь ва замонавий ҳолати, тенденциялари ҳамда муаммолари таҳлили”** деб номланган биринчи боби икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлим қориноёқли моллюскаларнинг умумий тавсифи ва аҳамиятига оид манбалар таҳлиliga бағишланган ва унда қориноёқли моллюскаларнинг замонавий систематикаси, уларнинг экотизимдаги аҳамияти, биоэкологик хусусиятлари, қориноёқли моллюскаларнинг қишлоқ хўжалигидаги ва экологик мониторингдаги аҳамияти, моллюскаларни муҳофаза қилишга оид ўтказилган илмий тадқиқотлар кенг таҳлил қилинади. Бобнинг иккинчи бўлими қориноёқли моллюскаларни ўрганилиш ҳолатига бағишланган бўлиб, иккита кичик бўлимга ажратилган. Биринчи кичик бўлимда Ўрта Осиёда қориноёқли моллюскалар бўйича олиб борилган фундаментал тадқиқотлар таҳлиliga, иккинчи кичик бўлимда қориноёқли моллюскаларни ўрганиш бўйича замонавий тадқиқотлар таҳлиliga оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскаларини ўрганиш услублари ва материаллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган ҳудудлар ва қўлланилган услублар ҳақида маълумот келтирилган. Бобнинг биринчи бўлими тадқиқот ҳудудларининг табиий-географик тавсифига бағишланган ва Ғарбий Ҳисор-Олой ҳудудларининг ландшафти, гидротермик режими, флора ва фаунаси ҳақида маълумотлар келтирилган. Бобнинг иккинчи бўлими тадқиқот материалларига бағишланади ва материаллар йиғилган ҳудудларнинг координатлари ва ўзига хос хусусиятлари очиб берилади. Бобнинг учинчи бўлимида тадқиқот услублари баён қилинган.

Диссертация иши учун тадқиқот материаллари 2019-2024 йилларда Нурота тизмаси ва унга туташ текисликлар, Зарафшон тизмаси ва унга туташ текисликлар ҳамда Ҳисор тоғ-тизмаси ва унга ёндаш текисликлардан йиғилган (1-расм).



1-расм. Тадқиқот олиб борилган ва материал терилган жойлар харитаси

Материал йиғилган сув моллюскалари учун баҳор, ёз ва куз фаслларида, қуруқлик моллюскалари учун, асосан, баҳор ойларида, қисман куз ойларида олиб борилган. Сув моллюскаларини ўрганиш В.И. Жадин (1952) услуби бўйича амалга оширилган. Бунда гидробиологик ковуш ёки матрап (сачок), бурчакли ва тўртбурчакли драгалар, элак, пипетка ёки юмшоқ пинцетдан фойдаланилган. Моллюскаларни қотириш (фиксация қилиш) 70-75° фоизли спиртда амалга оширилган. Қуруқлик моллюскаларини йиғиш А.А. Шилейко (1978) услуби бўйича амалга оширилган. Моллюскалардаги конхологик белгиларнинг ўзгарувчанлигига оид барча статистик маълумотлари Г.Ф. Лакин (1980) усули бўйича таҳлил этилган. Морфометрик кўрсаткичларнинг статистик таҳлил қилишда ҳар бир белгининг: ўртача арифметик кўрсаткичи (M), ўртача статистик хатолик (m), ўзгарувчанлик коэффиценти (CV) аниқланган. Молекуляр-генетик таҳлиллар учун 70% этанол эритмасида фиксацияланган моллюскаларнинг тавон қисмидан фойдаланилган. Танланган намуналардан ДНКни ажратиш учун GeneJET GENOMIK DNK реагентлар тўпламидан фойдаланилди.

ДНКни секвенс қилишда ABI PRISM® BigDye™ Terminator v. 3.1 реактивлар тўплами ёрдамида амалга оширилиб, реакция маҳсулотлари ABI PRISM 3100-Avant автоматик секвенаторида қайд қилинди (ЦКП «Геном» («Гентотех», Москва). Филогенетик анализлар PAUP* 4.0b10 (Swofford, 1998) дастурида амалга оширилди.

Диссертациянинг “**Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскаларининг эколого-таксономик тавсифи**” деб номланган учинчи боби уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскаларининг таксономик таркиби келтирилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскаларининг замонавий фаунаси 4 та туркум, 24 та оила, 46 та авлодга мансуб 128 та турдан иборат қуйидаги систематик рўйхати тузилган:

Mollusca Linnaeus, 1758-типи

Conchifera Gegenbaur, 1878-кенжа тип

Gastropoda Cuvier, 1795 -синфи

Pectinibranchia Blainville, 1814-кенжа синфи

Littoriniformes Pchelintsev, 1863-туркуми

Hydrobiidae Stimpson, 1865-оиласи

Martensamnicolinae Izzat., Sitn. et Star. 1985-кенжа оиласи. *Martensamnicola* Izzat., Sitn. et Star. 1985-авлоди: *Martensamnicola brevicula*, *M. hissarica*.

Bucharamnicolinae Izzat., Sitn. et Star, 1985-кенжа оиласи

Bucharamnicola, Izzat., Sitn. et Star, 1985-авлоди: *Bucharamnicola bucharica*. *Sogdamnicola* Izzatullaev, Sitnikova et Starobogatov, 1984-авлоди: *Sogdamnicola pallida*, *S. shadini*. *Valvatamnicola* Izzatullaev, Sitnikova et Starobogatov, 1984-авлоди: *Valvatamnicola arshangelskii*, *V. schahimardanica*. *Paladilhiopsis* Pavlovic, 1913-авлоди: *Paladilhiopsis sp.*

Acroloxiidae Thiele, 1931-оиласи, *Acroloxus* Beck, 1838-авлоди: *Acroloxus lacustris*.

Lymnaeidae Rafinesque, 1815-оиласи, *Lymnaea* Linnaeus, 1758-авлоди: *Lymnaea* Linnaeus, 1758-кенжа авлоди: *Lymnaea stagnalis*, *L. subdisjuncta*, *L. tengriana*, *L. subangulata*, *L. rectilabrum*, *L. tenera*, *L. fragilis*, *L. intercisa*, *L. persica*, *L. oblonga*, *L. thiesseae*, *L. narziculovi*.

Galba Schrank, 1803-авлоди: *Galba truncatula*, *G. bowelli*. *Radix* Montfort, 1810 кенжа авлоди: *Radix auricularia*, *R. bactriana*. *Ampullaceana* Servain, 1882-кенжа авлоди: *Ampullaceana fontinalis*, *A. lagotis*. Physidae Fitzinger, 1833-оиласи, Physinae Fitzinger, 1883-кенжа оиласи, *Physella* Haldeman, 1842-авлоди: *Physella acuta*, *P. integra*.

Planorbidae Rafinesque, 1815-оиласи, *Planorbis* O.F.Müller, 1773-авлоди: *Planorbis duryi*, *P. planorbis*, *P. tangitarenis*. *Anisus* Studer, 1820-авлоди: *Gyraulus* Sharpentier, 1837-кенжа авлоди: *Gyraulus acronicus*, *G. albus*, *G. convexiusculus*, *G. ladacensis*, *G. labiatus* *G. albopersicus*.

Melanopsidae H. Adams et A. Adams, 1854-оиласи

Melanopsinae H. Adams et A. Adams, 1854-кенжа оиласи

Melanopsis Izzat. et Star., 1984-авлоди: *Melanopsis* Izzat. et Star., 1984-кенжа авлоди: *Melanopsis transcaspica*, *M. turkmenica*, *M. zarudny*, *M. roseni*, *M. parvarishi*, *M. ashgabatensis*.

Geophila Ferussak, 1812-туркуми

Hygromiidae Tryon, 1866-оиласи

Trochulinae Lindholm, 1927-кенжа оиласи

Nanaja Schileyko, 1978-авлоди: *Nanaja cumulata*, *N. chatkalica*, *Odontotrema* Lindholm, 1927 авлоди: *Odontotrema diplodon*. *Leucozonella* Lindholm, 1927-авлоди: *Leucozonella* Schileyko, 1978-кенжа авлоди: *Leucozonella mesoleuca*, *L. schileyko*, *L. rufispira*, *L. rubens* *L. angulate*, *L. retteri*. *Narina* Schileyko, 1978-кенжа авлоди: *Leucozonella hyporphaea*. *Xeropicta* Monterosato, 1892-авлоди: *Xeropicta candasharica*.

Arshaicinae Schileyko, 1978-кенжа оиласи, *Archaica* Schileyko, 1970-авлоди: *Euarchaica* Schileyko, 1970-кенжа авлоди: *Archaica heptapotamica*. *Archaica* Schileyko, 1978-кенжа авлоди: *Archaica apollinis*, *A. eleorika*, *A. haziratishaxika*. *Ugama* Schileyko, 1978-кенжа авлоди: *Archaica (U) labianix*.

Paedhoplitinae Schileyko, 1978 -кенжа оиласи, *Angiomphalia* Schileyko 1978 -авлоди: *Angiomphalia regeliana*. *Phenacolimax* Stabile, 1859 -авлоди: *Phenacolimax annularis*.

Vitrinidae Fitzinger, 1833 оиласи

Vitrina Draparnaud, 1801-авлоди: *Vitrina rugulosa* *V pellucida*.

Agriolimacidae Wagner, 1975-оиласи

Lytopenelte O. Boettger, 1886-авлоди: *Lytopenelte maculata*. *Deroceras* Rafinesque, 1820-авлоди: *Deroceras laeve*, *D. sturanyi*, *D. agreste*, *D reticulatum*. *Liolytopenelte* Simroth, 1901-кенжа авлоди: *Deroceras caucasicum*.

Parmacellidae Gray, 1860-оиласи

Candaharia Godwin-Austen, 1888-авлоди: *Candaharia* Likharev et Wiktor, 1980-кенжа авлоди: *Candaharia rutellum*, *Candaharia aethiops*. *Levanderia* Likharev et Wiktor, 1980-кенжа авлоди: *Candaharia levanderi*, *C. izzatullaevi*, *C. rozeni*, *C. langarica izzatullaevi*.

Ariophantidae Benson, 1832-оиласи

Macrochlamys Benson, 1832 авлоди: *Macrochlamys turanica* *M. sogdiana*, *M. schmidtii*, *M kaznakowi*.

Gastrodontidae Benson, 1832-оиласи

Zonitoides Lehmann, 1862-авлоди: *Zonitoides nitidus*.

Buliminidae Woodward, 1903 оиласи

Pseudonapaeinae Schileyko, 1978 кенжа оиласи

Pseudonapaeus Westerlund, 1887 авлоди: *Pseudonapaeus albiplicatus*, *P. retrodens*, *P. miser*, *P. kasnakowi*, *P. otostomus*, *P. errans*, *P. izzatullaevi*, *P. zeravschanicus*, *P. kuchbayevi*. *Chondrulopsis* Westerlund, 1887-кенжа авлоди: *Pseudonapaeus sogdianus*, *P. eremita*, *P. maydanica*. *Turanena* Lindholm, 1922-авлоди: *Turanena* Schileyko et Moisseeva, 1995-кенжа авлоди: *Turanena scalaris*. *Asuranena* Schileyko et Moisseeva, 1995-кенжа авлоди: *Turanena martensiana*, *T. conicula*.

Cochlicopidae Pilsbry, 1900-оиласи

Cochlicopa Ferussac, 1821-авлоди: *Cochlicopa nitens*, *C lubrica*, *C lubricella*.

Orculidae Steenberg, 1925-оиласи

Orculinae Steenberg, 1925-кенжа оиласи

Sphyradium Sharpentier 1837-авлоди: *Sphyradium doliolum*.

Lauriinae Steenberg 1925-кенжа оиласи, *Lauria* Gray, 1840-авлоди: *Lauria cylindracea*.

Vallonidae Morse, 1864-оиласи

Acantinulina Steenberg, 1917-кенжа оиласи

Acanthinula H.Beck, 1847-авлоди: *Acanthinula aculata*. Valloniinae Morse

1864-кенжа оиласи, Vallonia Risso, 1826-авлоди: *Vallonia costata*, *V. pulchella*, *V. ladacensis*.

Pupillidae Turton, 1831-оиласи

Gibbulinopsis Germain, 1919-авлоди: *Primpupilla* Pilsbry, 1921-кенжа авлоди: *Gibbulinopsis signata*, *G nanosignata*. *Pupilla* Turton, 1931 авлоди: *Pupilla triplisata*, *P. muscorum*, *P. turcmenica*, *P striopolita*.

Vertiginidae Pilsbry, 1918-оиласи

Vertigininae Pilsbru, 1918 кенжа оиласи

Vertigo Muller, 1774 авлоди: *Vertigo antivertigo*, *V. pygmaea*.

Truncatellinae Steenberg, 1925-кенжа оиласи

Truncatellina R.T.Lowe, 1852-авлоди: *Truncatellina callicratis*. *Columella* Westerlund, 1878-авлоди: *Columella columella*.

Chondrinidae Steenberg, 1925-оиласи

Chondrina Reichenbach, 1828-авлоди: *Granopira* O. Boettger, 1889-кенжа авлоди: *Chondrina granum*.

Chondrulopsininae Schileyko, 1978-кенжа оиласи

Chondrulopsina Lindholm, 1925-авлоди: *Chondrulopsina intumescens*.

Bradybaenidae Pilsbry, 1939-оиласи

Bradybaeninae Pilsbry, 1939- кенжа оиласи

Bradybaena Beck, 1837-авлоди: *Bradybaena perlucens*, *B. fedtsshenkoi*, *B dichrozona*. *Kugitangia* Shileyko, Pazilov et Abdulazizova, 2019-авлоди: *Kugitangia hatagica*.

Pyramidulidae Kennard et Woodward, 1914-оиласи

Pyramidula Fitzinger, 1833-авлоди: *Pyramidula rupestris*.

Ferussaciidae Tryon, 1886-оиласи

Cecilioides Férussac, 1814-авлоди: *Cecilioides acicula*.

Euconulidae Baker, 1928-оиласи

Euconulus Reinhardt, 1883-авлоди: *Euconulus fulvus*.

Succineiformes Minichev et Slavoshevskaja, 1971-туркуми


Succineidae Beck, 1837-оиласи

Novisuccinea Pilsbry, 1948-авлоди: *Novisuccinea evoluta*, *N. martensiana*.

Pamirsuccinea Schileyko et Likharev, 1986-авлоди: *Pamirsuccinea eximia*. *Oxyloma* Westerlund, 1885-авлоди: *Oxyloma elegans*.

Аниқланган ҳар бир тур учун морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари, биологик ва экологик хусусиятлари, тарқалиши, популяциянинг замонавий ҳолати, сонининг ўзгариш сабабларига оид маълумотлар келтирилаган. Аниқланган 128 та тур қориноёли моллюскаларнинг 4 та туркумига мансуб бўлиб, туркумлар орасида *Geophila* туркуми вакиллари етакчи эканлиги (80 тур, малакафаунанинг 63%) қайд қилинган (2-расм). Кейинги ўринларда, *Hugrophila*

(36 та тур), Littoriniformes (8 та тур) ва Succineiformes (4 та тур) туркумлари жойлашиб, улар ўзаро мос ҳолда ҳудуд малакофаунасидаги 36%, 8% ва 4% турларни қамраб олади.




2-расм. Фарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскалар турларининг туркумлар кесимида тақсимланиши

Фарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскалари авлодларининг оилалар кесимида тақсимланиши ўрганилганда, малакофаунадаги 46 та авлоднинг деярли 40% (18 таси) 4 та оила (Hygromiidae, Hydrobiidae, Vertiginidae ва Succineidae) вакиллари эканлиги аниқланган. Авлодлар сони бўйича 7 та авлодни қамраб олган Hygromiidae оиласи етакчи эканлиги қайд қилинган. Шунингдек, ҳудудда тарқалган 8 та оила 2 тадан, 12 та оила эса биттадан авлодга эга эканлиги кўрсатилган (3-расм). Турларининг хилма-хиллиги бўйича оилалар қуйидаги кетма-кетликда жойлашади: Lymnaeidae, Hygromiidae (18 тадан тур) → Buliminidae (15 тур) → Planorbidae (9 тур) → Hydrobiidae (8 тур) → Melanopsidae, Agriolimacidae, Parmacellidae, Pupillidae (6 тадан тур) → Ariophantidae, Vallonidae, Vertiginidae, Bradybaenidae, Succineidae (4 тадан тур) → Cochlicopidae (3 тур) → Physidae, Vitrinidae, Orculidae, Chondrinidae (2 тадан тур) → Acroloxidae, Gastrodontidae, Pyramidulidae, Ferussaciidae, Euconulidae (1 тадан тур).

Аниқланган турларнинг авлодлар кесимида тақсимланиши таҳлили ҳудудда *Lymnaea* (18 тур) ва *Pseudonapaesus* (11 тур) авлодлари доминант эканлигини кўрсатади (4-расм).

Бобнинг иккинчи бўлимида Фарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликларнинг қориноёқли моллюскаларининг тарқалиши микроҳудудлар кесимида ўрганилган. Тадқиқот ҳудуди географик жойлашувига кўра учта микроҳудудга (1. Ҳисор тоғлари ва унга ёндош текисликлар; 2. Зарафшон тоғлари ва унга ёндош текисликлар; 3. Нурота тоғлари ва унга ёндош текисликлар) ажратилган.

Ҳисор тоғлари ва унга ёндош текисликлар қориноёқлилар малакофаунаси 20 оила, 35 авлодга мансуб 78 турдан иборатлиги аниқланган. Ушбу турлардан 14 таси сув моллюскалари, 64 таси қуруқлик моллюскалари ҳисобланади. Ҳудуддаги турларнинг 18,75% (15 тур) *Vuliminidae* оиласига мансуб турлардир. *Hygromiidae* (10 тур) ва *Planorbidae* (7 тур) оилалари ҳам нисбатан кўп турга эгаллиги билан ажралиб туради.




3-расм. Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскалар турларининг авлодлар кесимида тақсимланиши (биттадан вакилга эга авлод биргаликда “бошқалар” деб ифодаланган)

Шунингдек, мазкур микроҳудудда *Lymnaeidae* ва *Pupillidae* оилаларининг 6 тадан, *Agriolimacidae* оиласининг 5 та, *Vallonidae* оиласининг 4 та, *Ariophantidae*, *Cochlicopidae*, *Bradybaenidae* ва *Succineidae* оилаларининг 3 тадан, *Physidae*, *Vitrinidae*, *Orculidae*, *Vertiginidae*, *Chondrinidae* ва *Ferussaciidae* оилаларининг 2 тадан ҳамда *Parmacellidae*, *Gastrodontidae*, *Pyramidulidae* оилаларининг биттадан тури учрайди.

Зарафшон тоғлари ва унга ёндош текисликлар қориноёқлилар малакофаунаси 19 оила, 38 авлодга мансуб 80 турдан иборатлиги аниқланган. Ушбу турларнинг 33 таси сув моллюскалари, 47 таси қуруқлик моллюскаларига мансуб. Ҳудудда *Lymnaeidae* ва *Hygromiidae* оилалари энг кўп турларга эга оилалар ҳисобланади. Ҳудуддаги турларнинг 32,0%и (жами 24 та тур) ушбу оилаларга мансуб турлардир. Ушбу ҳудуддаги турлар авлодлар кесимида қуйидагича тақсимланган: *Lymnaea* (12 тур) → *Melanopsis*, *Candaharia* (6 тадан тур) → *Archaica* (5 тур) → *Anisus*, *Leucozonella* (4 тадан тур) → *Planorbis*, *Vallonia*, *Pupilla*, (3 тадан тур) → *Sogdanicola*, *Valvatamnicola*, *Physella*, *Nanaja*,

Pseudonapaeus, *Cochlicopa*, *Gibbulinopsis* (2 тадан тур) → 8 та авлод биттадан тур.



4-расм. Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскалар авлодларининг оилалар кесимида тақсимланиши

Нурота тоғлари ва унга ёндош текисликлар қориноёқлилар малакофаунаси 16 оила, 34 авлодга мансуб 68 турдан иборатлиги аниқланган. Ушбу турларнинг 27 таси сув моллюскаларига, 41 тури эса куруклик моллюскаларига тегишли. Тадқиқотлар натижасида Нурота қориноёқли моллюскаларининг рўйхати 14 та турга бойитилган. Ҳудудда Hydrobiidae (19 тур) ва Hygromiidae (11 тур) оилалари энг кўп турларга эга ва биргаликда жами турларнинг 44,1%ини ташкил этади. Buliminidae (7 тур), Parmacellidae (6 тур), ва Pupillidae (6 тадан тур) оилалари ҳам нисбатан кўп турга эга. Авлодлар орасида *Lymnaea* (11 тур) ва *Pseudonapaeus* (7 тур) авлодлари етакчи авлодлар ҳисобланади.

Ўрганилган ҳудудлар малакофаунасининг хилма-хиллик индекслари қийматлари энг юқори кўрсаткичи Зарафшон тизмасига ҳослиги кўрсатган (1-жадвал). Биологик хилма-хилликни ифодоловчи учта индексдан (Маргалев, Шенон ва Менхеник индекслари) иккитасининг энг катта қиймати Зарафшон тизмаси учун ҳос. Индивидларнинг тақсимланиш текислигини ифодоловчи индекснинг (Шенон бўйича тақсимланиш текислиги) ҳам энг юқори қиймати

Зарафшон тизмасига хос. Бу ҳолат Зарафшон тизмасида турли турга мансуб популяцияларнинг зичлиги бир-биридан кескин фарқ қилмаслигини кўрсатади.

Доминант турларнинг жамоадаги ҳиссасини кўрсатувчи Бергар-Паркер индексининг энг юқори қиймати Нурота тизмаси учун хос, энг паст қиймат эса Зарафшон тизмасига тегишли. Бу ҳолат Нурота тизмаси малакофаунасида доминант турларнинг кўплиги ва уларнинг доминантлик даражаси юқорилигидан далолат беради.

1-жадвал

Турли тадқиқот ҳудудларида малакофаунанинг биологик хилма-хиллик индекслари

Биохилма-хиллик индекслари	Нурота тизмаси	Зарафшон тизмаси	Ҳисор тизмаси
Хилма-хиллик индекслари			
Маргалевф индекси, D_{Mg}	9,78	11,4	11,3
Шенон индекси, H'	3,86	4,2	4,14
Менхиник индекси, D_{Mn}	2,22	2,49	2,61
Тақсимланиш текислиги			
Шенон бўйича тақсимланиш текислиги, E	0,91	0,96	0,95
Доминантлик меъёрлари			
Бергар-Паркер индекси, d	0,07	0,04	0,05

Тадқиқотларда фаунанинг энг юқори ўхшашлиги Нурота ва Зарафшон тизмалари орасида қайд этилди (Жаккар коэффиценти-0,45, Чекановский-Серенсен коэффиценти-0,62). Ўхшашлик коэффицентларининг энг паст қиймати Зарафшон ва Ҳисор тизмалари орасида кузатилади (2-жадвал).


2-жадвал

Ғарбий Ҳисор-Олой турли тоғ тизмалари қориноёқли моллюскалари фаунасининг ўхшашлик коэффицентлари (Жаккар\Чекановский-Серенсен коэффиценти)

Тадқиқот ҳудудлари	Нурота тизмаси	Зарафшон тизмаси	Ҳисор тизмаси
Нурота тизмаси	1	0.62	0.58
Зарафшон тизмаси	0.45	1	0.51
Ҳисор тизмаси	0.40	0.34	1

Турли ҳудудлар фаунасининг ўхшашлик даражалари аслида бу ҳудудлар учун умумий ва хусусий турлар сони билан аниқланади. Зарафшон тизмаси малакофаунаси 80 турдан иборат бўлсада, уларнинг 23 таси фақат шу тизма учун хос турлардир. Бундай хусусий турлар сони Нурота тизмаси учун 9 турни, Ҳисор тизмаси учун 25 турни ташкил этади (5-расм). Нурота ва Зарафшон тизмалари энг кўп умумий турга эга (46 та). Нурота ва Ҳисор тизмаларининг умумий

турлари 42 турдан, Зарафшон ва Ҳисор тизмалари эса 40 та умумий турга эга. Малакофауна ўзига хослигини жуфт гуруҳлар кесимида таҳлил қилинганда шу ҳолат маълум бўлдики, Зарафшон ва Нурота тизмалари учун хос бўлиб, Ҳисор тизмасида учрамайдиган турлар сони 17 тани ташкил этди. Бундай турлар сони Нурота ва Ҳисор тизмаси учун 13 тани, Ҳисор ва Зарафшон тизмалари учун 11 тани ташкил этади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ҳисор тизмаси малакофаунаси бошқа тизмалардан кўпроқ алоҳидалашган, Зарафшон ва Нурота тизмалари малакофауналари эса бир-бирига яқинроқ ҳисобланади.



5-расм. Тадқиқот ҳудудларининг якка ва жуфт гуруҳлар бўйича ўзига хослик даражалари. *Изоҳ: яшил рангдаги рақамлар ҳудуддаги умумий турлар сонини; доира ичидаги рақамлар фақат шу ҳудуд учун хос турлар сонини, қора рангдаги рақамлар иккита ҳудуд учун умумий турлар сонини, қизил рангдаги рақамлар жуфт ҳудудларнинг фақат иккаласига хос турлар сонини, кўк рангдаги рақам уччала ҳудудда ҳам қайд қилинган турлар сонини ифодалайди.*


Бобнинг учинчи бўлимида Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскаларининг экологик хусусиятлари таҳлил қилинади.

Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлардаги сув қориноёқли моллюскалари яшайдиган сув ҳавзаларини 4 та гуруҳга: 1- дарё ва кўллар; 2- кичик сув ҳавзалар: булоқ, чашма ва ботқоқликлар; 3- дарё ёқасидаги кўлмаклар, кичик ариқлар ва вақт-вақти билан қуриб қоладиган кўлмак сувлар; 4- дарё сувларнинг ёйилиб оқадиган жойларидаги тошлар. Ҳар бир гуруҳга мансуб сув ҳавзалари малакофаунаси ўзига хос хусусиятга эга эканлиги кўрсатиб берилган. Сув моллюскалари турлари кренофил, фитофил, тельматофил ва фитореофил экологик гуруҳларга ажратилган (6-расм, А). Турларининг сони жиҳатидан фитофил турлар (43%) кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, ҳудуддаги қориноёқли сув моллюскалар турларининг 27% фитореофил, 25% кренофил ва 5% тельматофил турилар ҳисобланади.

Қуруқлик моллюскаларини намликка бўлган талабига кўра 5 та экологик гуруҳга (гигрофил, мезофил, ксерофил, мезоксерофил, криомезоксерофил)

ажратилган. Худуд қориноёқли қуруқлик моллюскаларининг 33%-мезоксерофил, 32%-мезофил, 18%-гигрофил, 14%-ксерофил ва 3%-криомезоксерофил турлар эканлиги кўрсатилган (6-расм, Б).


Озиқланиш тавсифига кўра Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскалари 4 та экологик гуруҳга ажратилган. Малакофаунанинг 59% фитофаглар, 37% сапрофаглар, 3% микофаглар ва 0,8% йирткичлар ташкил этиши аниқланган.



6-расм. Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли сув (А) ва қуруқлик (Б) моллюскаларининг экологик гуруҳлари ва уларнинг малакофаунадаги ҳиссаси.

Диссертациянинг “Ғарбий Ҳисор-олой ва унга ёндош текисликлар қориноёқли моллюскаларининг зоогеографик тавсифи” деб номланган тўртинчи бобида қориноёқли моллюскаларнинг ареали бўйича таснифи келтирилган. Бобнинг биринчи бўлимида сув қориноёқли моллюскаларининг зоогеографияси ҳақидаги маълумотлар берилган. Ғарбий Ҳисор-Олой ва унга ёндош текисликлардан йиғилган 44 турга мансуб сув қориноёқли моллюскалари тарқалиш ареалига кўра 12 та зоогеографик гуруҳга мансублиги кўрсатилган.

Худудда тарқалган сув моллюскаларнинг катта қисмини Европа-Сибир турлари ташкил этади. Бу гуруҳ худудда тарқалган 9 та турни ўз ичига олади ва худуд сув малакофаунасининг 20,45% ини ташкил этади (6-расм). Буларга *Lymnaea* авлодининг 3 та тури (*L. stagnalis*, *L. fragilis* ва *L. persica*), *Gyraulus* авлодининг 2 та тури (*G. albus* ва *G. albopersicus*) ҳамда *Paladilhopsia*, *Acroloxus*, *Galba* ва *Planorbis* авлодларининг биттадан тури қиради (*Acroloxus lacustris*, *Galba truncatula*, *Planorbis planorbis*, *Paladilhopsia sp.*).



7-расм. Ғарбий Ҳисор-Олой сув қориноёқли моллюскалари асосий зоогеографик гуруҳларининг малакофаунадаги хиссаси (%)

Марказий Осиё турлари тадқиқот ҳудудида тарқалган 6 та авлодга мансуб 8 та турни ўз ичига олади ва ҳудуд сув қориноёқли моллюскаларининг 18,18% ини ташкил этади (малакофаунадаги хиссасига кўра Европа-Сибир турларидан кейин иккинчи ўринда). Уларга *Lymnaea* (*L. subdisjuncta* ва *L. tengriana*) ва *Radix* (*R. auricularia* ва *R. bactriana*) авлодларининг 2 тадан тури, *Galba* (*G. bowelli*), *Ampullaceana* (*A. lagotis*), *Planorbis* (*P. tangitarensis*) ва *Gyraulus* (*G. ladacensis*) авлодларининг биттадан тури киради.

